



# INTELLEKT



2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

ИЖТИМОЙ-ТАЪЛИМИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-yil, 31-mart № 6(14) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 2021-йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йилдаги фармонлари билан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари қабул қилинган эди. Ушбу дастурлар доирасида 5 миллионга яқин юрдошимиз яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқдаги шароитлар яхшиланди. Лекин ўтган йили коронавирус пандемияси туфайли бу борадаги ишлар вақтинча тўхтатилган эди.

Бугунги кунда юртимизда шароити оғир бўлган 796 та қишлоқ ва шаҳарларда 188 та маҳалла мавжуд. 4 мингдан зиёд маҳалланинг электр таъминоти қониқарсиз аҳволда.

Қишлоқларга инфратузилма борсагина, ҳаёт сифати ўзгаради, тадбиркорлик ривожланади. Шу сабабли, бу йил "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари янги ёндашувлар асосида шакллантирилди. Аҳоли талабларидан келиб чиқиб, 206 та туман ва шаҳар ҳокимлари, йўл, электр таъминоти, коммунал хизмат ва тадбиркорликка масъул раҳбарлар билан бирма-бир гаплашиб, 8 мингта маҳаллада бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. Бунда, ободчилик билан бир қаторда иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини камбағалликдан қиқариш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Йиғилишда шу борадаги амалий ишлар муҳокама қилинди. Бу йил мақсул дастурлар доирасидаги ишларга жами 21 триллион сўм йўналтирилиши қайд этилди.

— Оғир инқироздан чиққан йилмиз, ташқи қарз жалб этмасдан, шунча маблағ ажратаямиз. Бунақа

## "ОБОД ҚИШЛОҚ" ВА "ОБОД МАҲАЛЛА" ДАСТУРЛАРИ ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИЛДИ



имконият Ўзбекистон тарихида бўлмаган. Лекин бу пулни лойиҳа билан, ҳалол-поқ ишлаб, элга муносиб шароит яратиш керак, — деди Президент.

Таъкидланганидек, бундан буюн "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига қайси маҳалла ёки қишлоқ киришини маҳаллий кенгашлар белгилайди. Туман ва шаҳар ҳокимининг иқтисод, қурилиш ва маҳалла масалалари бўйича ўринбосарлари зарур маблағлар ва амалга ошириладиган ишларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, маҳалла раиси билан бирга, ҳудудий кен-

гашларда ҳимоя қилади.

Маҳаллий кенгашлар ҳар бир маҳалла кесимида ижтимоий соҳа, ичимлик суви, йўл-транспорт ва инфратузилма объектлари манзилли дастурини тасдиқлайди. Қурилиш вазирининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга масъул бўлади.

Шу тартиб асосида, жорий йилги дастурга киритилган маҳалла ва қишлоқлар, уларда тадбиркорликни ривожлантиришга оид масалалар ўтган ҳафтада барча туман ва шаҳар кенгашларида белгилаб

олинди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимликларига ўн кун муддатда дастурга киритилган барча қишлоқ ва маҳаллаларда қурилиш ишларини бошлаш вазифаси қўйилди.

Ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир 325 та қишлоқ ва 71 та маҳаллани комплекс ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Уларда ичимлик суви ва электр тармоқлари, ички йўллар, ижтимоий объектлар қуриш ҳамда таъмирлаш учун 3 триллион 300 миллиард сўм ажратилиши белги-

ланди.

Шунингдек, 2 минг 721 та маҳалладаги 10 минг километрдан ортиқ ички йўлларни таъмирлашга 2 триллион сўм, 500 та маҳаллага 4 минг километрдан ортиқ ичимлик суви тармоғи тортиш учун 1 триллион сўм ажратилади.

Электр таъминотини яхшилаш долзарб эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис, 5 минг 377 та маҳалладаги 15 минг километр электр узатиш тармоқлари ҳамда 4 мингдан ортиқ трансформаторни янгилаш белгиланмоқда. Бу юртимиздаги маҳаллаларнинг 60 фоизи

демакдир. Ушбу чора-тадбирларга қарийб 2 триллион 100 миллиард сўм йўналтирилиши айtilди.

Бундан ташқари, Жаҳон банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан бирга, "қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги 21 та туман, 60 та қишлоқда 485 миллиард сўмлик лойиҳалар бошланади.

Мутасаддиларга маблағлардан самарали фойдаланиб, белгиланган барча ишларни 1 ноябрга қадар якунлаш вазифаси қўйилди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига ички йўллар, йўлаклар, ижтимоий объектлар ва кўп қаватли уй-жойларнинг эксплуатация тизимини яхшилаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда аҳоли бандлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" деганда, нафақат уларнинг йўли ёки қиёфаси яхшиланиши, балки у ерда яшовчи аҳолининг даромади кўпайиши, ижтимоий объектлар тўлиқ ишлаши керак. Энг асосийси, ҳақиқий обод маҳаллада "ёшлар" дафтарлари бўлмагани лозим. Бунинг учун, тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш зарур. Сарфланган ҳар бир сўм инвестиция одамларимизга уч баравар кўп фойда келтириши, уларнинг даромадини оширишига хизмат қилиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис тадбиркорлик ва бандлик дастурларини маҳаллага боғлаб, 500 минг нафар ёшлар ва 200 минг аёлларни иш билан таъминлаш, "темир дафтар"га киритилган 300 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсад қилиб қўйилди.

Бунинг учун жорий йилда "Оилавий тадбиркорлик" дастурлари учун 9 триллион сўм ресурслар йўналтирилиши, шунингдек, 1 триллион сўм маблағ эвазига 128 та маҳаллада кичик саноат зоналари ташкил этилиши айtilди.

Бош вазир ўринбосарлари, Савдо-саноат палатаси раиси ва Бизнес-омбудсманга тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, муаммоларни ҳал қилиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Дастурларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Хусусан, "Обод қишлоқ" дастури доирасида 379 та мактаб, 171 та мактабга таълим ва 161 та тиббиёт муассасасини, "Обод маҳалла" дастури доирасида 57 та мактаб, 37 та бочча ва 15 та тиббиёт масканини қуриш-таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Соғлиқни сақлаш вазирига "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига кирган аҳоли пунктларининг "тиббий ҳаритаси"ни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари ўз худудида бажарилаётган ишлар бўйича маҳаллий кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига ҳисобот бериши зарурлиги айtilди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар ахборот беришди.

Президент Матбуот хизмати.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онг-у тафаккури, дунёқараш ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортیب бормоқда.

Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарама-дан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотларнинг самарадорлигига тўсик бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётгани, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, қўламли ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбига амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришни ягона тизимини яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

— эзгулик ва инсонпарварлик тамойилга асосланган "Миллий тикланишдан - миллий

юксалиш сари" ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умумийликка айлантириш; оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;

тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш;

эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга бепасандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафқуравий имунитетини кучайтириш; маданияти, адабиёт, кино, театр, musiқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;

геосиёсий ва мафқуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, нарқобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

2. Қуйидагилар Республика Маънавият ва маърифат марказининг (кейинги ўринларда - Марказ) қўшимча ва-

зифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

а) давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик йўналишида: мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари бўйича давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва ишчи (эксперт) гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва маънавий таҳдидларнинг моҳиятини ва аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиб бориш;

ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи, уларни ғоявий жиҳатдан қарам этишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш ҳамда иродали, фидоий, ватанпарвар ва ўз мустақил фикрига эга авлодни тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш;

давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва тақлифлар тайёрлаш;

б) илмий-тадқиқот йўналишида: маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан тарғибот технологиялари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш; маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишга доир хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, бугунги мафқуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофчи таҳлил қилиш ва баҳолаш;

(Давоми 2-бетда) >>>

Фарзанд тарбияси ва унинг келажаги учун ота-она ва таълим муассасаси бирдек масъул. Шундай экан боланинг соғлом муҳитда тарбия олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши каби муҳим масалаларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, оилада, кўча-кўйда ҳамда тенгқурлари билан учраб турадиган турли кўнгилсиз ҳолатлар болаларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Шу билан бирга, барча оилаларни ҳам бирдек тинч оила деб бўлмайдди. Баъзи оилаларда эр-хотиннинг доимий келишмовчилиги, жанжаллари фарзандларнинг руҳиятига таъсир қилиб, уларнинг стресс ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлади. Бу каби салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида Булунгур туман Халқ таълими бўлимига қарашли умумий ўрта таълим мактабларининг психологлари "Аҳил оила - Бахтли мактаб" дастури доирасида белгиланган сессиялари босқичма-босқич амалга ошириб келиш-

## СТРЕССНИ БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ

моқда. Ушбу дастурда белгиланган навбатдаги 3-сессия 3-умумий ўрта таълим мактабиде бўлиб ўтди. Тадбир мактаб психологи Матлуба Шеранова ташаббуси билан ташкил қилинди. Унда туман ХТБ услубчиси Хусния Каримова ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Тадбир доирасида ўқувчи-ёшларнинг ҳаёт ва келажакка бўлган қизиқишларини ошириш, эртанги кунга ишонч билан қараш, ватанпарварлик руҳини уйғотиш каби мақсадлар тарғиб қилинди.

Психологларнинг ўқитувчи, ўқувчи ҳамда ота-оналар ўртасида амалга оширган стрессни бартараф қилиш, эркин муомала, ҳаракатда бўлиш ҳамда эмоцинал эркинлик каби усулларини иштирокчилар нафақат томоша қилишди, балки ўзлари ҳам бевосита иштирок этишди.

Дастурдан кўзланган асосий мақсад



психологлар ёрдамида стресс ҳолатига тушиб қолган ўқувчиларни ҳолатдан олиб чиқиш, бола ва унинг ота-оналари ўртасидаги муносабатни яхшилаш, бир-бирларини тушунишларига ёрдам беришдан иборат.

Ўз муҳбиримиз.

Инсоннинг ҳаётдаги энг порлок, энг шўх ҳамда ажойиб дамлари мактаб билан боғлиқ. Болалигидан то улғайғунча мактаб кучоғида таълим-тарбия олади, ўқийди, ўрганади. Болалар ўсиб-улғайиб талаба, тадбиркор, хунарманд, шифокор ва бошқа ҳар қандай касб эгаси бўлиб етишса ҳам, мактаб даврларини соғинаверади-соғинаверади.

## ЕТУКЛИККА ЭЛТУВЧИ МАСКАН



Самарқанд шаҳридаги 62-умумий ўрта таълим мактабиде ҳам ўқувчиларнинг билим салоҳиятини яхшилаш, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, уларнинг замонавий синф хоналарда таълим олиш-бани ўрганиш, шунингдек, бугунги мафқуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофчи таҳлил қилиш ва баҳолаш;

сарруфидаги собиқ 10-умумий ўрта таълим мактаби ҳисобланган. 450 ўринга мўлжалланган мактабимизнинг ҳозирги биноси кейинчалик 2008-йилга келиб янгидан қайта қурилган. Ҳозирги кунда 900 нафар билимга чанқоқ ўқувчилар мактабимиз бағрида таҳсил олишмоқда. Булардан 451 нафари ўғил, 449 нафари қизлардир. Ўқувчиларнинг мактаб дарслиқларидаги билимларни чуқур эгаллашлари йўлида 73 нафар педагог ходимлар тинимсиз меҳнат қилишаётир. Улардан 4 нафари биринчи, 35 нафар иккинчи тоифали ўқитувчилар.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ўрта таълим мактабимиз қардош тили мактаблар сирасига кириб, бу ерда ўқувчилар ўзбек-тожик тилларида таҳсил олиб келишмоқда. Бунинг кунга келиб мактабдаги жами 33 та синфнинг 5 тасиде дарслар тожик тилида олиб борилади. Ўқувчиларнинг қай даражада тинимсиз меҳнат қилишлари йўлида биз устуворликни ўқитувчиларнинг маъсулият билан дарсга енгашганлигига боғлиқ. Ал-

батта, ўқитувчиларнинг меҳнатлари ўз самарасини бермоқда. Жумладан, жорий ўқув йилида фан олимпиадасининг шаҳар босқичида 9-10-синф ўқувчилари тожик тили ва адабиёти фанидан фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Бундан ташқари, ўқувчиларимиз фан олимпиадасининг худудий ва шаҳар босқичларида барча фанлардан фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Мактабимиз ёшлари илм ўрганиш билан биргалликда бўш вақтларида бадий адабиётга ошно бўладилар. Мана шундай китобсевар ёшларимиздан бири 6-"Б" синф ўқувчиси Парвина Ахорова вилоти миқёсида ўтказилган "Ёш китобхон оила" кўрик-танловига иштирок этиб, фахрли II ўринни қўлга киритганлиги бизни жуда хурсанд қилди.

Мактабимизнинг ҳар жабҳада илғор бўлишига ҳаракат қилган ҳолда тозалик, тартиб-интизомга ҳам мунтазам эътибор қаратиб келмоқдамиз. Бу каби ишлар натижаси ўлароқ ўтган ўқув йилида юртимизда-

ги умумий ўрта таълим мактабиде ўртасида ташкил этилган "Обод мактаб" экологик ойлиги доирасидаги "Энг обод мактаб" кўрик-танловининг республика босқичида мактабимиз фахрли I ўринни қўлга киритди. Қолаверса, бу каби ютуқ билангина чекланиб қолмасдан, янада янги марраларни забт этишга бел боғланамиз.

Шу билан бирга, ўқитувчиларимиз ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун фан ва спорт тўғрисидаги ишларни ташкил қилишдан бўлиб, улар мунтазам фаолият олиб боришмоқда. Бундан ташқари, Президентимизнинг 5 муҳим ташаббуси доирасидаги ҳар бир йўналиш учун алоҳида-алоҳида тўғрақлар очилган ва иқтидорли, истеъдодли ўқувчилар жалб қилинган.

Ўқувчиларимизнинг сифатли билим олишлари учун биз устувор доим ҳаракатдамиз. Келгусида биз тарбиялаётган авлод, албатта, Ватанга хизмат қиладиган фарзанд бўлиб вояга етишишлариغا ишонамиз. Қилаётган сай-ҳаракатларимиз келажакда ўз самарасини беришига аминимиз...

Нигора САЛАХИДДИНОВА, Самарқанд шаҳридаги 62-умумий ўрта таълим мактаби директори.



**(Давоми. Бошланиши олдиги сонларда)**

— The deceiver will fall himself into the pit which he had dug for someone, — Navoiy said with conviction. — Do not lose your faith and bravery. Of course, it is extremely complicated, but you can overcome any difficulty if you act decisively and confidently. We need only look after the troops. Try not to spoil relations with the troops. Be always in concert with them; the Sultan who breaks up with his troops will face failure!

— What do you think we need to do now? — Husayn Boyqaro asked looking thoughtfully at the poet.

— Now you must get out of here, — replied Navoiy without any hesitation. — There are many faithful people in the capital. With their help you will find out everything about the situation in the city. When the right moment comes you will take a decisive action to end the enemy...

Husayn Boyqaro silently thought with his half closed eyes. He wiped his forehead covered with cold sweat. Then with a sigh, he climbed on shakily and ordered beks to get on the horses. He travelled day and night and came to the area called Sartoq Ulanga.

Here he found out that the rebellion was rising gradually by Sultan Mahmud near Balkh. Husayn Boyqaro was caught between two fires in his own realm. Now he was supposed to kill both enemies who were threatening his throne. But he is scared of meeting with the enemy in open battle. Not seeing a safe place, Husayn, like a bird without a nest, wandered around the country. He moved to the Saqlimoq Dasht from Sartoq Ulangi. There, he lost some of his warriors and came to Naratau. He expected to hold the reliable fortress called Ogrug in his hands, but soon it became clear that it was impossible to count on it. Finally, Husayn stopped in Maimana Fortress.

**CHAPTER VI**

Mirza Yadgar's supporters conducted their affairs very agilely. One of the respected queens - Poyanda Sultanbegim, on Emir Fariddin Barlos's advice moved from his suburban house to Herat. Bribing prominent people of the capital such as beks and officials she announced her nephew as the sultan of Khorasan. On the ramparts solemn music was played. She even ordered to mention the name of Mirza Yadgar in hutba1. Yadgar Mirza who was in Tus region swiftly moved to Herat.

People, who are battered by the sovereigns of good and used to frequent change of rulers, treated these events with indifference. As for the beks and noble citizens of Herat, they looked favorably on the young sultan and had been eagerly waiting for his arrival, counting on new assignments and allotments of land. Finally, overdressed in silk and velvet, they got on their

welcome Mirza Yadgar. Bowing nine times they kissed the young prince's robe. According to Mirza Yodgor's respectful people it was not a favorable time to enter the capital so he decided to stay here for a night. The next day he entered the capital with great treatment and celebration and settled down in Bogi Zogon.

Mirza Yadgar knew nothing about the administration of the state and he did not even try to learn anything. The careless prince did not think of what he was going to do in future; he did not worry about his enemy Husayn Boyqaro and his intentions. The Bogi Zogon was filled with beautiful girls, feasting and binge drinking.

Poyanda Sultanbegim ran the affairs of the state. Acting vigorously in favor of his nephew, of course, she tried to raise her own prestige

**Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор**

**NAVOIY**

in the country. She managed to achieve her goal. She became famous as a reasonable business-woman. Aloiddin and some other poets wrote odes in her honour. However, Poyanda Sultanbegim was not able to break the pride and willfulness of Turkmen warlords. On the contrary, she had to get along with them because the military power was in their hands. They brought Mirza Yadgar to the state and they were supposed to protect him from his rivals. Turkmen commanders started to abuse their occupations. Excesses started in Herat and its suburbs. People were exposed to violence and harassment.

In these troubled days Sultonmurod almost did not go outside the madrasah at all. Behind the high stone walls of madrasah which was like an impenetrable fortress he spent his days and nights reading in his cramped, dimly lit hujra. Sometimes Zayniddin would bring him the latest news and listening to him, the young scientist would curse the rebels who violated the peace of the country. One evening on the third day after Mirzo Yodgor's formal entry into the capital Sultonmurod was sadly sitting alone at a flickering candle. The silence reigned everywhere. The students had gone to the celebration in honour of the young prince.

Aloiddin Mashhadiy entered the room with his half-closed eyes. He offered Sultonmurod to go with him to Togonbek's place. Sultonmurod refused it saying that he could not break away from his studies. — I have seen people in our city

who have read so many books and they have gone crazy, — said Aloiddin with displeasure. — It is madness to lose your mind, being eager to develop your mind. Come on, let us go.

— The books are my consolation, — replied Sultonmurod sadly. — I probably would have gone mad from all that is happening in the country without them. — There is nothing to grieve. Life is an old chameleon. Try to spend the day with fun. Togonbek will certainly entertain us. Nowadays his star has risen high...

— How come? — asked Sultonmurod interestedly. — Don't you know? Togonbek is one of the heroes of Mirza Yadgar's time! — said Aloiddin Mashhadiy proudly.

Sultonmurod wanted to know the details of the latest news. Without a doubt that Navoiy was on Husayn

Boyqaro's side he was particularly interested in the current situation of the former Sultan. He decided to talk to Togonbek and find out some information about Navoiy, so he suddenly stood up surprising Aloiddin Mashhadiy.

— Let's go and have some fun! The streets were dark and empty. Despite the early evening people were passing occasionally... Only some warriors on horse would pass like a gloomy whirlwind.

Sultonmurod had to go very slowly as Aloiddin Mashhadiy told him to do so. At the gates of the house they were met by the old slave-Nurbobo. He said that Togonbek had not returned home since yesterday. Sultonmurod turned to leave, but Aloiddin Mashhadiy grabbed his arm and asked the slave to open the sitting room:

— Let's get some rest, maybe Togonbek will come back, — he said.

Nurbobo unlocked the door, lit a candle and led the young people into the house. They opened the window. Freshness of the evening burst into the stuffy room. Sultonmurod frowned being sorry for coming. Aloiddin Mashhadiy talked about poetry and poets. He tried to refute the view of Navoiy about the richness and beauty of the Turkic language. This annoyed Sultonmurod more. He had to speak in order to stop this chatterbox. It was very easy for him to prove that nine out of ten contemporary poets writing in Persian of Herat were pathetic rhymers, and the rest were weak imitators of the great ancient poets. Aloiddin Mashhadiy, as usual, said a few poisonous words then closed his eyes and kept

silent. When Nurbobo spread out tablecloth and brought some fruits, the poet got excited a little bit. Continuously clicking almonds and pistachios, he praised the nature and the air of Badgis. Sultonmurod offered Aloiddin to go when the tablecloth was taken away. Suddenly, stamping horses were heard from the gate. Delighted Aloiddin asked Sultonmurod to sit down again. Togonbek entered the room. His eyes gleamed drunkenly. Seeing his guests, he was delighted and immediately ordered Nurbobo to bring food and drink. He filled the cups to the brim and handed them to the guests. Aloiddin Mashhadiy got drunk from the first cup and began to chatter incoherently. After the second one, he fumbled in his pocket and took out a long ode for Poyanda Sultanbegim and began to read it aloud. Then he asked Togonbek to

give it to the "Treasure of the era" who was Poyanda Sultanbegim.

— What do you think about the mind and the insights of this woman? — Sultonmurod asked Togonbek.

— Everyone thinks that she is a treasure trove of intelligence, — Togonbek replied with a sly smile. — She is amazingly beautiful, but I still did not notice even a feature of intelligence in her!

Aloiddin Mashhadiy started to object, but Togonbek did not even want to answer him and started to talk about something else. Sultonmurod asked him what occupation he was holding now and about the position of Husayn Boyqaro. Togonbek replied succinctly about his job: "I am beside the young princes" - and about the situation with Husayn Boyqaro he said that it was very complicated and his horsemen were scampering to Mirza Yadgar. In conclusion, he said with conviction: — But Husayn has got Alisher Navoiy. Mirza Yadgar should be afraid of this man more!

— What an exaggeration! — Aloiddin Mashhadiy got angry. — Alisher is a very humble man. You do not know him.

— No, Navoiy is a great power: he's a great politician. This is a man of great intelligence and people respect him very much. You are right, I do not know him. Maybe I have even to hide from him. But "the art of weaving can be seen on the fabric made by the weaver"; a person can be recognized by his deeds. If there is no taste in your odes, no one will call you a poet.

Sultonmurod nodded as a confirmation of Togonbek's words. — We hope, — he said, — that Navoiy soon rides the country of the dangers and disasters!

Togonbek grimly looked down. — The country is not in danger, — he said slowly. — There is Temur's blood in the veins of Mirza Yadgar too. He demanded his rights only!

Assuming that it was unnecessary to argue with Togonbek, Sultonmurod kept silent. Togonbek was drunk. Aloiddin drank a few more cups than Togonbek and eventually stretched out on the floor. Sultonmurod was drunk too. He stood up intending to leave Aloiddin there. Togonbek went to see him off up to the gate. The large, tree-lined courtyard was asleep peacefully in the moonlight. — Nurbobo, bring a candle! — shouted Togonbek.

— No need — said Sultonmurod. — Do not hurry, you still have got time to return to your hujra. Please go to the beauty and show your appreciation, first!

Sultonmurod understood nothing he just followed Togonbek. The old man brought a candle. Togonbek opened the door of one

**(Novel)**

**Илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима**

of the houses that stood behind a number of the trees, and said:

— Please, come in!

Sultonmurod saw the girl sitting in front of a locked window whose head was bowed, "Perfect, perfect beauty" - thought Sultonmurod and got somewhat embarrassed. Togonbek looked at the dish, which stood on the shelf and approached the girl:

— Dildorhon, — he said softly, leaning slightly over her, — why didn't you eat anything? Should I order something else?

— Something to eat?! You had better bring me some poison, poison! — she cried bitterly and straightened.

— Nurbobo, holding the candle in his trembling hands, began to speak:

— Pray to Allah, my daughter. He is the one who can solve your problems.

Togonbek proudly approached and whispered to Sultonmurod -Is she beautiful? Do you like her? Sultonmurod kept silent. He looked sympathetically at her and walked out. A minute later Togonbek came out after him.

— Who is she? — Sultonmurod asked thoughtfully.

— Last night I took her from the village — said Togonbek. — She has surprising elegance and beauty!.. — Aren't such cases a disaster

for the country?

— My friend, stop these talks! Stealing a woman is a very pleasant affair. It is midnight. She is sleeping on the supa with hair spread over the pillow. Her old grandmother is snoring next to her... I approached her on my tip toe with two guys. First of all, I kissed her lightly on her forehead. Then we tied her mouth, lifted her up and we ran away. We easily jumped over the wall like stealing a flower in a garden: We threw her on our horses and rushed at full speed. It is a very nice deal! In the morning we came to the town, rested in the garden of my friend and now we have brought her here. There is a special pleasure in all these things...

— Why have you done it? She is unhappy. Can there be anything worse for her parents? — Sultonmurod spoke in a trembling voice.

— To play with love, you need mutual desire in it. I know it very well, - calmly and seriously said Togonbek. - If she does not want I will not touch her. She will just live at my Khoja's place; in essence, this girl could be a decoration of the Sultan's palace!

— No, send her to her family. A person should not serve as a toy for fleeting desire.

— All right, I will think about it. Goodbye... — said Togonbek and

went away.

Sultonmurod stood looking at the closed door for a long time. Then he went home sadly. The town was asleep. In the calm moonlit night the Herat mosque still seemed huge and the Fortress Ihtiyariddin looked even more threatening than usual. Sultonmurod, full of hatred towards Togonbek and rapists in the world, walked along the streets, not noticing anything around him. In his khujra he did not light candles; he somehow got his bed ready and slept. He could not sleep, he thought about Dildor all the time. He felt a sweet pain in his breasts. Silently moving his lips he repeated the following verses several times:

Chashm agar inastu abru inu nozu ishva in, Alvido, ey aqlo donish, alvido ey ilmu din.

**CHAPTER VII**

Husayn Boyqaro languished in the large garden Chahor of the town Maimana. There weren't any royal receptions or lush, noisy feasts there. The Sultan mostly would sit alone in a spacious, decorated with faded painted house and he would not even write a poetry. Can the governor, who lost his power, write about some girls with eyebrows like a bow and beautiful eyes? Lust for power soaked into him with his

mother's milk(Meaning: If someone has got such beautiful eyes and eyebrows and beauty. In that case we should say goodbye to science and to our minds (Kamol Khojandi)). Husayn Boyqaro felt now sharper and more painful than ever the power of pain and sorrow. He could hear the sound of noise and shouting of his warriors who had forgotten about their duties, who fought to have at least something fun in a remote corner of the garden. Husayn Boyqaro sighed heavily, he was waiting for someone impatiently. Eshkoga entered and reported:

— He has come. Will you allow him to enter? - he asked bowing.

Husayn Boyqaro nodded as a sign of agreement. Navoiy entered and bowed as usual. The Emperor quickly showed him the place beside him and immediately said:

— I've got one idea. First of all, I wanted to listen to you. I know that these sad events have disturbed you more than others.

— Thank you for your attention. I came here to hear good news from your Majesty, — said Navoiy.

Although the room was empty, Husayn Boyqaro lowered his voice and spoke about the news that he learned through his informants. According to them the situation with Mirzo Yodgar was fragile. Navoiy asked:

— To what solution have you come?

— The difficulty is to make a decision, actually... — Husayn Boyqaro kept silent for a moment, then continued, - if we go by our current warriors to the capital and suddenly, like lightning, attack Yadgarbek, what do you think, we will reach our goal?

The poet did not rush to answer. He screwed up his eyes, suddenly his face was lit up with a subtle smile. Then he said very gravely:

— If you just had not expressed this idea to me, it would have been even better!

Husayn Boyqaro thought that Navoiy did not like his idea so he asked immediately:

— Why? - anxiously asked Husayn Boyqaro.

Navoiy could not help laughing. — No, this plan should be kept in great secrecy. — he said seriously.

Husayn Boyqaro also smiled, and then he shook his head as he spoke like an objecting person:

— It is impossible not to consult with military people!

— Of course. Nothing can be done without them, — seriously said Navoiy. — But we must protect ourselves from one danger: someone can tell the enemy about this plan, then Mirza Yadgar and his beks and emirs will wake up from a carefree sleep. We must act decisively and quickly. Mirahur lives in Herat.

**(Давоми кейинги сонда)**

**Йўқолган сигирини излаб юрган Хайдар бобо бир тоғ ёнбағрига келиб қолди. Бу жойни маҳаллий халқ «Оқ чангал» деб атарди. Сабаби бу ерда ҳосиятсиз ўсимлик – оқ чангал (тикан) ўсарди. Чўпонлар ва овчилар бу ерга келишга қўрқишарди. Уларнинг таърифича Оқ чангалда парилар ўзларига макон қилиб олишганди.**

Кўёш ботиб, қоронғу туша бошлаганди. Хайдар бобо атрофга аланглади. Ён-атроф тикансимон ўсимлик – оқ чангалга тўла эди. Хайдар бобо бу ўсимлик ҳақида ёшлигида отасидан эшитган. Етмиш ёшга кирган бўлса ҳам, оқ чангал тиканини бирор марта ҳам кўрмаганди. Йўқолган сигирининг шарофати билан ана шу ҳосиятсиз ўсимликни кўриб турибди. Кўринишидан қушқунмасга ўхшаб кетадиган бу тиканини нега оқ дейишларини бобо тушунмади. Зеро, бу ўсимлик ҳам барча ўт-ўланлар каби яшил рангда эди. Аммо уни кўриб қолган одамнинг бошига мусибат тушади.

Анча пайт шаҳарда яшагани боис Хайдар бобо бу ерларга кўп келмасди. Нафақага чиқиб қишлоққа кўчиб келганига йигирма йил бўлган бўлса ҳам, бирор марта Оқ чангалга келмаганди. Узи бу маконга охириги марта собиқ шўро даврида, Файзи чўпон болалигида мол боқиб юриб келиб қолган. Билиб-билмай оқ чангални босиб ўтган ва ўша куни кечаси билан иситмалаб чиқиб, касал бўлиб қолганди. Фақат Нуротанинг дами ўткир муллаларигина Файзи чўпонни оёққа турғизганди. Кейин Элшод исмли йигит ҳам Афғон урушидан қочиб, шу ерга яширинганида унинг кўзига оқ либосли пари кўринган ва бечора ақлдан озиб қолган. Муллалар Элшодни тузатишга ожизлик қилди. Йигит бир умрга телба бўлиб қолди. Бу воқеалар бўлганига ҳам ўттиз йилдан ошди. Шундан сўнг Оқ чангалга пешанасига миллиқ тиралса ҳам, ҳеч ким яқинлашмади.

Хайдар бобо шулар ҳақида ўйладими ёки атрофнинг ваҳимаси тутдими, ичига кўркув оралади. Шу пайт тепарқоқдаги фор ичидан аёл кишининг кулгуси эшитилди. Бобо хайратланиб фор томонга юрди. Форнинг олдига бориб, ичкарига қаради-ю озги очилиб қолди. Форнинг ўртасида гулхан ёқилган, унинг ёнидаги тош устида узун оппоқ қўйлак кийган, узун сочларини ёйиб олган бир

гўзал қиз турарди. Қиз гор оғзида унга термулиб турган Хайдар бобони кўриб, катта қора кўзлари кўркувдан чақнаб кетди. Нима қиларини билмай, орқага тисарилиди. Хайдар бобо эса бу қиз ярим тунда бундай кимсасиз жойда нима қилиб ўтирганини ақлига сиғдиролмай хайрон эди. Қиз форнинг тўрида турган қора шарпага қаради. Қарилса бабоб кўзлари хиралашган бобо қоронғуда шарпанинг юзини кўра

ҳануз танаси титраётган Хайдар бобо. — Тинчликми? — деди хавотир билан Ҳафиза момо ранги оқариб кетган чолига қараб. — К- кўп-г- гапирма! Сув оп чиқ! — титроқ товушда деди бобо. Оғриётган оёғини ҳам унутган Ҳафиза момо ошхонага қараб югурди. Қўлида бир коса сув билан қайтиб чиққан момо ерга юзтубан бўлиб чўзилиб ётган чолини кўриб додлаб юборди.

**(Детектив ҳикоя)**

Кани ўтир – деди Дилшод. — Дилшод ака... — Яна ўша иш билан келдингми? Тиббий хулосани кўрдинг. Отанг юрак хуружидан вафот этган. Хайдар ота ўша куни қоронғу тушунича йўқолган сигирини излаган. Бир овлоқ жойга бориб қилиб гальютсинацияга учраган. Каттиқ кўрққанидан юраги дош беролмай уйга келиб жон берган. Бу ёғи энди қаричилик. — Дилшод ака, сиз айтётган ўша овлоқ жой Оқ чангал, гальютсинациянгиз эса ўша ердаги пари. — Ҳўш, мендан нима истайсиз-сан. Уша Оқ чангалинга бориб париларни сўроқ қилайми? — Билмадим. Лекин отамнинг юрак хуружидан ўлмагани аниқ. — Иш очиб, тергов қилишга асос йўқ. Шербек қишлоқ милиция бўлимидан тушқун қайфиятда чиқди. "Балки у хадир" – ичтда ўйлади. "Шифокорлар отамни каттиқ кўрқш оқибатида юрак хуружига учраган деб айтишди. Аммо бу кўркувга нима сабаб бўлди экан? Қазоси етгунича отамнинг бирор ким ёки бирор нарсадан кўрққанини на эшитганман, на кўрганман. Яхшиси ўзим бу ишнинг тағига етаман. Уша Оқ чангалга бориб, отамга ким кўринганини аниқлайман!"

\*\*\* Эрта тунда уйғонган Шербек, ўрнидан тортиб ховлига чиқди. Оқиб турган ариқ сувиغا юз-қўлини ювди. Отини эгарлаб Оқ чангал жойлашган тоғ томонга жўнади. Бир соат йўл юрганидан сўнг Оқ чангалга яқин қирдаги Файзи чўпоннинг пастқам, лойсувоқ уйига етиб келди. Ховлида устида жулдур чопон, оёғида эски қалиш кийиб олган, эллик беш - олтмиш ёшлардаги бир киши кўринди. Бу одам Файзи чўпон эди. У Шербекни кўриб, йигитнинг олдига борди. — Ассалому алайкум, Файзи ака, — деди Шербек. — Ие, Шер! Узингмисан, ука! Ва-алайкум ассалом. Қани, кел-чи.

\*\*\* Сўнгги бир ҳафта ичиди қишлоқ одамлари орасида Хайдар бобонинг Оқ чангалда париларга йўлиққани, уларнинг жодуси таъсирида дунёдан кўз юмгани ҳақида миш-миш тарқалди. Учаскта ноziри Дилшод Муродов деразадан Хайдар бобонинг кичкина ўғли Шербекнинг келаётганини кўриб қайфияти тушиб кетди. "Ҳозир яна эски пластинкасини кўяди" – деди ичиди. Фурсат ўтмай хонага Шербек кириб келди. — Ассалому алайкум, Дилшод ака — деди Шербек. — Ваалайкум ассалом, Шер.

**(Давоми кейинги сонда) >>>**

**ҚИСҚА САТРЛАРДА ҲИКОЯЛАР**

**ИМКОНИАТ**

Дарёдан ногаҳон балиқ тутиб олдим. Уни қўлларимга олиб кўзларига боқдим ва унда кўйиб юборишимни сўраб илтижо қилаётган инсоннинг кўзларини кўргандек бўлдим. Шунда мен ўзимни худди хукмдорлардек ҳис этдим, чунки менинг қарорим унинг яшадини ёки бу ҳаётдан кетишини ҳал этарди. Аммо мен бир сония ўзимни тийдими ва ўзимни балиқ, менинг тақдирим қўлида бўлган энг олий ҳукмдор – Яратган Эгамни ўзим қиёфамда тасаввур этдим. Балиқни дарёга қўйиб юборишдан аввал унинг кулони аста пичирладим. Берилган имкониятдан тўғри фойдалан!

**Инсон қадри**

Ҳайрон қолсан киши, баъзи инсонларга боқсан уларнинг эғнидаги либоси қадридан қиммат туради, баъзиларга боқсан оддий сурп матосига ўранган, аммо уларни инсон деб бўлмайти, чунки, улар фаришталардир! Қилган иши яхшилиқ!

**Қалит**

Умр бўйи бахтсизлигимдан қуйиб, нолиб яшадим. Кейин билсам бахтим қалитларни чўнтагимда экан. Мен надон эса бир бора бўлса-да унга кўл солмабман.

**Қоронғулик ва кўз ёши...**

— Қоронғулик нима? — Дардинг йўлдоши. — Ҳўш, кўз ёши-чи унда? — Унинг сирдоши. — Қоронғулик қафасми сенга? — У менинг маконим, келгин меҳмонга? — Бир куни кўз ёшинг сотса нетасан? — Индамайман, жимгина ичга ютаман. — Қоронғуда нимани бунча кутасан? — Дардимга давони, ишонмассан сан.



— Кўз ёшидан нега завқга тўласан? — Юзимни сийпалар ҳатто тунда ҳам. — Фақат кундуз бўлса-да, бўлмаса тунлар, қандай нафас оласан, қандай яшайсан? — Ўз-ўзимга тегшли ой, юлдузи жам. Кенг, қоронғу осмонни сотиб оламан...

**Болалик хотира**

Мен эшитган аллалар муҳаббат эди, Онамнинг қалбидан сизиб чиққувчи. Жаннат ифориға йўрилган сиймо, Менинг болалигим энг зўр куйчиси.

Эсимда. Болалик чоғимда кечки овқатдан кейин ошхонада онамнинг ёнларига турнақатор бўлиб ётиб олардик, онам эса бизга "Икки эшик ораси"ни ўқиб берарди. Онамнинг овози бир маромда, муҳаббат қуйини чалиб сирли алла айтарди, бу алла қалбимни китобга ошно этди, бу алла мени шоира қилди, бу алла менинг икки эшигим орасини фақат ва фақат яхшиликлар ила безатишимни эсла-тадиган бир наҳот бўлди... Онажомим, сиз берган ҳаёт ва меҳр учун сиздан чексиз миннатдорман!

**Барно РЎЗИКУЛОВА, Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси.**

Азиз талабалар! Бу лойихада сиз иштирок этишингиз ва ўзингизни ижод соҳасида бе...

«Энг интеллектуал талаба» лойихасининг бу гапги голиби бўлиб танишнинг...

Матонат

Хикоянинг биринчи якуни ... Дугонаси Гулбуви билан хайрлашиб...

ЭНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЛАБА



занд сўради. У дуолар қилиб жойнамоз устида ухлаб қолди. Туш кўрди...

Сабр... Бу сўз оддий эшитилиши мумкин. Лекин бу сўзнинг замирида саодат ётади.

Нилуфар ЭГАМБЕРДИЕВА, СамДЧТИ Роман-герман тиллари факультети 2-босқич талабаси.

Хикоянинг иккинчи якуни ... Уйга бориб уввос солиб ачиқ-ачиқ йиғлади.



диққа ўтирдилар. Жазира Жаваднинг кўлларида ушлаб: «Сизга мумкин бир гап айтман...

Куйида берилган хикояни давом эттириш ва саволларимизга жавоб йўлланг.

ВАХИМА

Блогер бўлишга қизиққан Зайноб телеграмда ўзининг шахсий канални яратди.

Орадан бироз вақт ўтгач, қараса, каналнинг обуначилари ҳали ҳам ўша-ўша.

Бир куни кўлига қандайдир вирус ҳақида маълумотлар тушиб қолди.

керак эди. Анчадан бери бундай хабарларни кўрмаётган эдим.

Давом эттириш!

- 1. Бир тушунча бир вақтда ҳам тўғри, ҳам нотўғри бўлиши мумкинми? 2. Гўшт тоғ тепасида тез пишадими, ёки тоғ этагида? 3. Ким фақирлиги сабаб расмларини ёқиб иси...

Ирода ШАМСИЕВА.

кунлар кундан кунга унинг ярасини янгилаб, ҳам унинг қалбини емириб борар эди.

Ижодкорлик BILASIZMI ?

ни тинглади ва: — Шунча қийинчиликларни биргаликда босиб ўтдик.

Шу зайдда кунлар ўтар, кўча-кўйда одамларнинг фарзандларини етаклаб юришларини кўрса...

Ижодкорлик



пирга овунчоқ эди. Нафақаси ва маҳалла томонидан берилган ёрдам эвазисига кун кўраётган бу кампирга Жазиранинг меҳри тушган.

Яқшанба тонги. Қўшниларнинг шовқинидан эринибгина кўзини очган Жазира кампирнинг жони узилганини эшитди, дахшат ичиде қолди.

Нилуфар АХМАДОВА, Самарқанд давлат чет тиллар институти 3-босқич талабаси.

Газетанинг олдинги сониде берилган саволларнинг тўғри жавоби:

- 1. Саримсоқ пиёз 2. Фикр-у ҳаёл 3. Ишқ 4. Исм 5. Ҳар бир олмани 8 га бўлиб, ҳар бир одамга 7 тадан бериш керак.



Акмал ЮНУСОВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти Инглиз тили II факультети 103-гурӯх талабаси.

"ПОВВОН ОТА" МАҚБАРАСИ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Самарқандда зиёрат туризми сайёҳлик соҳасидаги ривожланиб бораётган йўналишлардан биридир.

Яратилиш тарихи яхши ўрганилмаган қадамжолардан бири Иштихон туманидаги Митан шаҳарчасида жойлашган "Поввон ота" зиёратгоҳидир.

Масжиднинг шимол томонида эса "Поввон ота" (Аҳмад Замжий) мақбараси жойлашган.

Аҳмад Замжий, яъни "Поввон ота" ким бўлганлиги ва унинг қачон ҳамда қаерда туғилганлиги тўғрисида ҳам ҳозиргача аниқ маълумотлар йўқ.

Аҳмад Замжий Ҳазрат Алининг ўғли Муҳаммад Ҳанафийнинг набираси бўлган. Абу Муслим Кутайба билан замондош бўлиб, жангларда елкадош бўлганлиги айтилади.

Ўз муҳбиримиз.


ШЕЪРИЯТ ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНАЖОН ТИЛИМ! Кўҳна тарихинг бор ўтмишинг буюқ, Фарзандларинг учун эрурсан суюқ...

INTELLEKT Мухаррир: Ваҳобжон АВАЗОВ ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Илҳомжон ТЎХТАСИНОВА(ранс), Фазилдин РЎЗИКУЛОВ, Отабек ГАЙБУЛЛАЕВ, Шаҳобиддин АШУРОВ, Эрали РАҲМАТОВ(аззолар)

Хориждан гапирамиз

Меъмориликнинг айланувчи мўъжизаси

Қатар олимлари оламшумул бўлган лойихани амалга оширишга киришди - сузиб юрувчи ва айланувчи Eco-Floating Hotel соҳилбўйининг ҳақиқий беағи бўлиши кутилмоқда.



Қатар шиддатли равишда ва ишонч билан сайёрамизнинг асосий сайёҳлик объектлари сафига қўшилиб бормоқда.

Лойихачилар қуёш, шамол ва ёмғир самарали энергиясидан фойдаланишни ваъда беришмоқда.

Пол остига жойлашадиган телевизор

С SEED Entertainment компанияси 165" эксклюзив телевизорнинг гаройиб М1 моделини намойиш қилди.



MicroLED панелдан иборат.

Умуман олганда, М1 бу уникал, сифатли улкан телевизор бўлиб, тезда пол остига яширина олади.

Албатта, бундай телевизор учун муносиб хона кераклиги ҳам ойдек равшан. Телевизор нарҳини эса "чўнтақбоп" деб бўлмайди.


Имо-ишора билан очиладиган эшик

Сингапурнинг STUCK Design компанияси қўл билан тасмадан, имо-ишора билангина очиб мумкин бўлган ён томонга сурилувчи эшик ишлаб чиқди.

Ушбу эшикнинг ишлаши акс этган видеода ойнаванд эшикка ўрнатилган дисплейли бошқарув блокини кўриш мумкин.

Хиаоми электромобил ишлаб чиқаради Хитойнинг смарфтон ва бошқа техниклар ишлаб чиқарувчи Хиаоми компанияси 2023-йилдан бошлаб электромобиллар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Хиаоми электр транспорт воситалари ишлаб чиқарувчининг экотизицидан бошқа қурилмаларга улаиши имкониятига эга бўлади.



Хиаоми ўз даромадларини диверсификация қилишга интилкида, шу сабабли у электромобиллар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Шунингдек, йирик технологик компаниялар тобора ўз автомобилларини ишлаб чиқариш ҳақида уйлашмоқда.

Ичак саратонини аниқловчи капсула

Яқинда ичак саратонини аниқлаш учун балик ёғи капсуласи катталигидаги таблеткани ютиш кифоя қилади.

PillCam (таблетка-камера) деб номланган митти қурилма икки сантиметрлик капсула ҳамда видеокамера ва узаткидан иборат бўлиб, ичаклар тасвирини бемор белига тақиб олган белбоққа қадалган приёмникка узатади.

Ундан Лондон университет коллежи ва Шотландиянинг бир неча тиббиёт муассасаларида фойдаланишмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Босишга топшириш вақти: соат 17.00 да. 2021 й. 30 март Босишга топширилди: соат 17.00 да. Баҳоиси келишидан нарҳда Саҳифаловчи: В. АВАЗОВ. Набр индекси 5588

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририятга келган кўлёмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуктаи назари билан тахририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.